# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 1 сентябрь, № 171 (5338) Пайшанба


# БУЮК ВА МУҚАДДАС ВАТАННИНГ УЛУҒ БАЙРАМИ

## Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган байрам тантаналари бўлиб ўтди.



***“Мустақиллик”, “Озодлик”, “Ҳуррият”.*** *Бу муқаддас каломлар дунёдаги барча халқлар тилидаги энг тотли, энг улуғ, энг азиз, энг ардоқли, энг ҳузурбахш сўзлардир. Чунки ҳар қандай халқ учун қарамликда, бўйнида бўйинтуруқ, оёғида кишан билан яшаш қанчалик катта фожиа — бахтсизлик бўлса, ўз юртига ўзи эгалик қилиб, озод ва эркин яшаш шу қадар буюк бахт — олий саодатдир.*

*Бундан йигирма йил илгари халқимиз ана шундай буюк бахтга мушарраф бўлди — Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Ватанимиз мустақиллигини эълон қилди. Олам аҳли буюк аждодлари башарият цивилизациясига, илм-фани ва маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган, бой тарих ва маданий меросга, улкан иқтисодий ва маънавий салоҳиятга эга мамлакат ва халқ борлигидан ҳамда дунё харитасида янги мустақил давлат — Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлганига гувоҳ бўлди.*

**(Давоми 2-бетда).**

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Ҳурматли меҳмонлар!

Бугун — барча шаҳар ва қишлоқларимизда, бутун мамлакатимизда муборак айём, унутилмас тарихий сана — Ўзбекистонимиз мустақилликка эришганининг йигирма йиллик буюк байрами.

Бундан йигирма йил муқаддам биз юртимизда мустамлака зулми ва қарамлик даврига барҳам бериб, асрлар давомида халқимиз интилиб келган эркин ва озод ҳаёт қуриш йўлида тарихий тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйдик.

Биз учун энг буюк ва энг азиз бўлган ана шу қутлуғ байрам билан сиз азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаб, юксак ҳурмат ва эҳтиромимни билдиришдан чексиз бахтиёрман.

Ўзининг неча минг йиллик кўҳна тарихида не-не воқеаларни бошидан кечирган халқимиз учун Ўзбекистон мустақиллиги, ҳаётимизни, онгу шууримизни тубдан ўзгартирган бу улуғ сана кўп йиллар, замонлар ўтса-да, ўз аҳамияти, қадр-қимматини ва моҳиятини йўқотмайдиган, том маънода оламшумул воқеа бўлиб абадий сақланиб қолажак.

Муҳтарам дўстлар!

Биз ўтган давр мобайнида мустақилликка эришиш, эркин нафас олиб, ўз тақдири ва келажагини ўз қўли билан қуриш жаҳондаги биронта халқ, биронта мамлакат учун ҳеч қачон, ҳеч қаерда осон бўлмаган, деган аччиқ ҳақиқатни ўз ҳаётимиздан ўтказдик, ўз мисолимизда чуқур англадик.

Дарҳақиқат, бугун вақт ўтиши билан юртимизда ўзини оқламаган эски мустабид тузум асоратлари ва занжирларидан озод бўлиш нақадар оғир кечганини, истиқлол арафасида республикамиздаги вазият тобора кескинлашиб, таҳликали ва ўта хавфли тус олганини яна ва яна бир бор ўзимизга тасаввур қилишимиз ўринли бўлади.

Бир ёқлама ривожланган, фақат хом ашё етказиб беришга, мутлақ пахта яккаҳокимлигига асосланган иқтисодиётимиз ғоят ночор аҳволга тушиб қолгани, қашшоқлик ва бедодликка дучор бўлган аҳолимизнинг сабр-косаси тўлиб, ўлкамиз жар ёқасига, портлаб кетиш ҳолатига етиб борганини, одамларимизнинг таъминоти, жамиятда соғлом муҳитни қарор топтириш муаммолари нақадар ўткир бўлиб турганини эслайдиган бўлсак, айни шу йиллардаги мавжуд вазият бутун мураккаблиги билан аён бўлади.

Бугун бир ҳақиқатни сира иккиланмасдан, баланд овоз билан айтиш учун барча асосларимиз бор: истиқлол йўлида қандай суронли кунларни, қийинчилик ва тўсиқларни енгишга тўғри келмасин, юртимизга нисбатан қандай хуруж, зуғум ва пўписалар бўлмасин, биз энг оғир ва машаққатли дамларда ҳам мустақиллик ғоясига содиқ қолиб, Ўзбекистон манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйиб, ўз танлаган йўлимиздан қайтмадик ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз.

Биз юртимизда янги ҳаёт барпо этишнинг биринчи кунларидан бошлаб ҳақиқий эркинлик ва истиқлолга эришиш — бу фақат мустақилликни қўлга киритиш эмас, балки уни ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан қуриш ва мустаҳкамлаш, халқаро ҳамжамиятда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш ва ҳурмат қозонишдан иборат эканини теран англаб олдик.

Ана шундай эзгу мақсадларга эришиш йўли эса барчамизга яхши маълум: бу — ўзимизнинг ер ости ва ер усти бойликларимиздан, ишлаб чиқариш ва интеллектуал салоҳиятимиз, куч-қудратимиздан фойдаланиб, кўпни кўрган, меҳнаткаш халқимизнинг ақл-заковати, ғайрат-шижоатига ва халқаро ҳамжамият ҳамкорлигига таяниб, дунёдаги замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш йўлидир.

Аҳолимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини янги, юксак босқичга кўтариш, шу мақсадда мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларини демократик янгилаш, либераллаштириш ва модернизация қилиш, ушбу жараёнларнинг суръатини имкон даражасида тезлаштириш — биз учун энг мақбул йўлдир.

Айни шу йўл йигирма йиллик янги тарихимиз давомида ҳар томонлама ўзини оқлаб, исботлаб берган, жаҳонда “Ўзбек модели” деб ном олган энг тўғри йўл, десам, мана шу муҳташам майдонда ўтирган сиз азизларнинг, кенг жамоатчилигимиз, бутун халқимизнинг фикрини ифода этган бўламан.

Ўтган давр мобайнида биз эришган юксак марралар ҳақида узоқ гапириш, кўплаб рақамларни олиб келиш мумкин. Шулар қаторида Ўзбекистон иқтисодиёти йигирма йил мобайнида қарийб 3,4 баробар, ўртача иш ҳақи 14 баробар ўсгани, аҳолининг ялпи даромади тахминан 9 марта ошгани бизнинг мустақиллик йилларида қандай улкан марраларни қўлга киритганимизни намоён этмоқда.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳали-бери давом этаётганига қарамасдан, Ўзбекистонимизнинг ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръатлари охирги беш йил давомида дунёдаги саноқли давлатлар қаторида ўртача 8,5 фоизни ташкил этгани ва бу йил ҳам ундан кам бўлмаслиги кутилаётгани иқтисодиётимизнинг изчил ва барқарор ривожланиб, тараққий топаётганининг яққол далилидир.

Истиқлол йилларида ижтимоий соҳа учун давлат харажатлари 5 баробардан зиёд кўпайгани, унинг 60 фоиздан кўпроғи соғлиқни сақлаш, таълим, коммунал хўжалик, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва бошқа соҳаларга йўналтирилгани ҳам дунё миқёсида камдан-кам учрайдиган кўрсаткич бўлиб, бизнинг бош мақсадимиз, авваламбор, инсон ҳаётини, унинг манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилишга қаратилганини ҳар томонлама исботлаб беради.

Айнан шу асосда йигирма йил давомида юртимизда бир ёшгача бўлган гўдаклар ва оналар ўлими 3 баробардан кўпроқ камайгани, одамларимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 7 йилга узайиб, эркаклар ўртасида 73 ёшга, аёллар ўртасида эса 75 ёшга етгани, бугунги кунда аҳолимиз сони 28,5 миллион кишини ташкил қилаётгани, ҳеч шубҳасиз, буни яна бир бор тасдиқлаб беради.

Азиз дўстларим, биродарларим!

Биз қўлга киритган бу юксак марраларнинг илдизи, замини нимада, деган саволга ҳар биримиз ҳеч иккиланмасдан, буларни барчасининг замирида аввало мустақиллик деб аталган бебаҳо неъмат, халқимизнинг фидокорона меҳнати, унинг тобора юксалиб бораётган онгу тафаккури, эртанги кунга бўлган ишончи, эзгу орзу-интилишлари мужассам, деб катта ғурур ва ифтихор билан айтишимиз табиийдир.

Бугун мана шу саховатли заминда “Ўзбекистон — ягона уйимиз” деб яшаётган, қайси касб эгаси, қайси миллат ва элат вакили бўлмасин, барча юртдошларимиз Ватанимиз қўлга киритган ютуқлар, эришган марраларда менинг ҳам муносиб меҳнатим, муносиб ҳиссам бор, деб бошини баланд кўтариб, мағрурланиб гапиришга тўла ҳақлидир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Мана шу юксак минбардан туриб, бизга доимо хайрихоҳ бўлиб, қўллаб-қувватлаб, ёрдам ва кўмак бериб келаётган дўсту биродарларимизга, юртимиз билан самарали ҳамкорлик қилаётган мамлакатлар ва халқларга миннатдорлик билдириб, қизғин саломларимизни йўллашга, уларга бахт ва равнақ тилашга рухсат бергайсиз.

Фурсатдан фойдаланиб, шу муаззам майдонда жам бўлган хорижий давлатларнинг элчилари ва халқаро ташкилотларнинг вакилларига, барча азиз меҳмонларимизга, бизнинг бугунги байрамимиз — сизларнинг ҳам байрамингиздир, деб, уларни чин юракдан қутлаб, самимий ҳурмат ва эҳтиромимизни изҳор этсак, айни муддао бўлади.

Қадрли юртдошлар!

Истиқлол бизга берган бебаҳо бойлик ва имкониятлар, эришган натижаларимиз ҳақида кўп сўз юритиш мумкин. Айни вақтда мустақиллик тарихига асло ўчмайдиган, ёрқин саҳифа бўлиб ёзиладиган улкан марраларимиз қаторида шундай буюк бир ютуғимиз борки, унинг аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди.

Мен буни замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, ҳаётимизда тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган соғлом ва баркамол авлодимиз тимсолида кўраман.

Бугун мана шу кенг майдонни тўлдириб, ўзининг навқирон азму шижоатини намоён этиб ўтирган, менинг фарзандларим бўлган сиз ўғил-қизларимга, сизлар орқали бутун юртимиз ёшларига қарата айтмоқчиман:

Азиз болаларим, Оллоҳнинг назари тушган, Ўзбекистон деб аталмиш гўзал ва бетакрор ўлкада туғилиш, унинг бағрида камол топиш ҳар кимга ҳам насиб этмайди. Ана шу ҳақиқат ҳар бирингизнинг қалбингиздан, юрагингиздан чуқур жой олишини истардим. Ватан севгиси, Ватанга садоқат туйғуси сизларга умрбод ёр бўлсин.

Не-не оғир синовлар, тўфон ва суронларни бошдан кечириб, қанча-қанча қурбонлар бериб, она-юртимизни омон сақлаган, бизга безавол етказган аждодларимиз, ота-боболаримизнинг бу йўлда қандай катта меҳнатлари сингганини ҳеч қачон унутмаслик, уларнинг хотираси ва ҳурматини жойига қўйиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Мана шундай ҳиссиётларни қалбдан ўтказиб, барчамиз учун яккаю ягона бўлган Ватанимизни янада гуллатиб-яшнатиш, унинг ёруғ ва фаровон келажаги учун бутун борлиғимизни бағишлаб, керак бўлса, жонимизни фидо этишга ҳам тайёр бўлиш — ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир, десам, ўйлайманки, сиз азиз фарзандларимнинг дилида бўлган олижаноб туйғуларни ифода этган бўламан.

Азиз дўстларим, қадрли ватандошларим!

Бугунги улуғ айёмнинг муборак Рамазон ҳайити билан айнан бир пайтга тўғри келгани ҳам Яратганимизнинг эл-юртимизга кўрсатган яна бир инояти ва марҳамати, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Барчангизни бағримга босиб, Мустақиллик байрами билан, Рамазон ҳайити билан чин қалбимдан муборакбод этиб, ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Буюк ва муқаддас Ватанимиз мангу бор бўлсин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз омон бўлсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан давлатимиз раҳбари Ислом Каримов номига хорижий мамлакатлар, ҳукуматлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари ҳамда сиёсат ва жамоат арбобларидан самимий қутловлар келмоқда. Мазкур табрикномаларда улар қизғин муборакбод сўзларини изҳор этиб, Юртбошимизга ва Ўзбекистон халқига энг эзгу тилакларини йўллаганлар.

Америка Қўшма Штатлари Президенти Барак Обама, Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев, Германия Федератив Республикаси Президенти Кристиан Вульф ва Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак йўллаган табрикномаларда шундай дейилади:

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Мамлакатингиз мустақил ва суверен давлат сифатида ўзининг 20 йиллик байрамини нишонлаётган шу кунларда мен Америка Қўшма Штатлари халқи номидан Сизга ва Ўзбекистон халқига самимий қутловларимни йўллашдан бахтиёрман. Америка Қўшма Штатлари 1991 йил 25 декабрда Ўзбекистоннинг мустақиллигини тан олиб, 1992 йилнинг март ойида Тошкентда ўз элчихонасини очган эди.

Ўша пайтдан буён биз ўзаро ҳурмат ва ишонч тамойилларига асосланган мустаҳкам шериклик муносабатларини ўрнатиш борасида ҳамкорликда иш олиб бормоқдамиз. Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистон билан тинч-осойишта, гуллаб-яшнаётган ва демократик жамиятни ривожлантириш борасида ишончли ҳамкор бўлиб қолаверади.

Шу боис биз иқтисодий алоқаларимизни кенгайтириш, экология муаммоларини ҳал этиш, терроризм ва экстремизмнинг умумий таҳдидларидан ҳимояланиш, шунингдек, халқларимиз ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш йўлидаги ҳамкорлигимизни давом эттириш имкониятини қадрлаймиз.

Биз Ўзбекистон ўз тарихидаги мазкур муҳим санани нишонлаётган бир пайтда, мен халқларимиз ўртасида яна ҳам яқин ўзаро алоқалар ривожланиб бораверишини қизғин қўллаб-қувватлайман. Ҳамкорлигимиз келгусидаги кўплаб ўн йилликлар мобайнида ҳам юксалиб бораверишига умид қиламан, ушбу тарихий сана муносабати билан ғоят қизғин тилакларимни лутфан қабул қилгайсиз.

Самимий эҳтиром ила,

**Барак ОБАМА,**
**Америка Қўшма Штатлари Президенти**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Мамлакатингиз давлат мустақиллигининг 20 йиллик даврида иқтисодий, социал ва ижтимоий-сиёсий, таълим, илм-фан ва маданият соҳаларида катта йўлни босиб ўтди.

Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари муттасил кенгайиб бормоқда. Мунтазам сиёсий алоқалар, ўзаро ишончга асосланган олий даражадаги мулоқотлар, жаҳонда рўй бераётган глобал жараёнларга нисбатан умумий нуқтаи назаримиз долзарб масалаларни мамлакатларимиз манфаатлари асосида ижобий ҳал қилиш имконини бермоқда.

Ишончим комилки, мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама, шунингдек, минтақавий ва халқаро ташкилотлар доирасидаги ўзаро яқин ҳамкорлик халқларимиз манфаатлари, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликка эришиш йўлида бундан буён ҳам мустаҳкамланиб бораверади.

Энг эзгу тилаклар ила,

**Дмитрий МЕДВЕДЕВ,**
**Россия Федерацияси Президенти**

*(Самимий қутловларнинг давоми 2-бетда).*

# САМИМИЙ ТАБРИКЛАР

Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига қатор хорижий мамлакат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари номидан самимий қутловлар келмоқда.

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокотуҳу!

Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Саудия Арабистони Подшоҳлиги халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номимдан самимий дўстона табрикларимни йўллашдан беҳад мамнунман.

Ушбу қутлуғ айёмда Яратгандан Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат ҳамда биродар Ўзбекистон халқига тараққиёт ва фаровонлик, бутун ислом умматига осойишталик ва қут-барака ато этишини сўраб қоламан.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз.

**Абдуллоҳ бин Абдулазиз ОЛ САУД,**
**Икки муқаддас масжид ходими,**
**Саудия Арабистони Подшоҳи**

* * *

Шу жумладан,

Саудия Арабистони Подшоҳлиги Валиаҳди, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари, мудофаа ва авиация вазири, Бош назоратчи **Султон бин Абдулазиз ОЛ САУД;**

Иордания Подшоҳи **Абдуллоҳ Иккинчи бин АЛ-ҲУСАЙН;**

Туркманистон Президенти **Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ;**

Тожикистон Республикаси Президенти **Имомали РАҲМОН;**

Қирғизистон Республикаси Президенти **Роза ОТУНБАЕВА;**

Афғонистон Ислом Республикаси Президенти **Ҳамид КАРЗАЙ;**

Мальдив Республикаси Президенти **Муҳаммад НАШИД;**

МДҲ Динлараро кенгаши ҳамраиси, Кавказ мусулмонлари бошқармаси раиси **Шайх-ул-ислом Оллоҳшукур ПОШОЗОДА**

томонидан йўлланган табрикларда қодир Аллоҳдан давлатимиз раҳбарига мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, Ўзбекистон халқига тинчлик-хотиржамлик, тараққиёт ва фаровонлик тилаб, эзгу ва самимий истаклар билдирилган.

*Табриклар келиши давом этмоқда.*

# ФИДОЙИЛАР ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ

***Шонли йигирма йиллигини нишонлаётганимиз Мустақилликнинг ҳар бир йили, ҳар бир куни халқимиз учун нақадар азиз ва мўътабар экани бугун шу муқаддас Ватанда яшаётган ҳар бир инсон ҳаётида ўз ифодасини топмоқда.***

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан эл-юртимиз озодлиги йўлида қурбон бўлганларнинг номлари тикланди, хотираси абадийлаштирилди. Пойтахтимизда “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуи бунёд этилгани, 31 август юртимизда Қатағон қурбонларини ёд этиш куни сифатида нишонланиши халқимизнинг ана шундай асл фарзандлари хотирасига кўрсатилаётган чуқур эҳтиром ифодасидир.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида “Шаҳидлар хотираси” хиёбони зиёратчилар билан янада гавжумлашади. Бу ерга ташриф буюрган киши тарихий хотира туйғусини, эзгулик ва адолатнинг боқийлигини, ҳуррият ва озодлик неъматининг қадрини янада чуқур ҳис этади. Бугунги тинч ва осойишта кунларга, инсон қадр-қиммати улуғланадиган буюк ва муқаддас юртда яшаётганига шукроналар келтиради. Ватандошларимиз хотирасини ёдга олиш руҳимизни поклайди, ўтмишдан сабоқ чиқариб, бугунги ёруғ кунларимизнинг қадрига етиб яшашга, мустақиллигимизни мустаҳкамлашдек шарафли масъулиятни англашга ундайди.

31 август. Тонг. “Шаҳидлар хотираси” хиёбонида халқимиз озодлиги ва мустақиллиги йўлида қурбон бўлганларни ёд этиш маросими ўтказилди. Анъанага кўра ош тортилди. Қуръон тиловат қилиниб, қатағон қурбонлари руҳига ҳурмат бажо келтирилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Бунинг нақадар асосли ва теран маъно-мазмунга эга экани Ватанимиз истиқлолининг йигирма йиллиги нишонланаётган шу кунларда яна бир бор ўз ифодасини топмоқда.

**(Давоми 3-бетда).**

# ФИДОЙИЛАР ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Биз мустақиллик, тинчлик-осойишталик каби неъматларнинг нақадар улуғ ва қадрли эканини, аввало, ана шу йўлда курашган, керак бўлса, жонини фидо қилган инсонлар тимсолида, уларнинг мураккаб ҳаёт йўлида кўрамиз, деди Президентимиз Ислом Каримов. Маълумки, мустабид тузумдаги мудҳиш қатағонлар, аввало, миллатимизнинг энг сара фарзандлари — зиёлилар, маънавият, маърифат вакиллари бўлган минглаб инсонларнинг умрига зомин бўлди. Уларнинг қадр-қиммати топталди, ҳаёти поймол этилди.

Мамлакатимиз ўзининг мустақил тараққиёт йўлидан борар экан, тарихий адолат қарор топди. Халқимизнинг миллий ва маънавий дунёсини юксалтириш ана шу тарихий ҳақиқат, аждодларимизнинг кўрсатган жасорати ва матонати, фидойилиги тимсолида амалга оширилаётгани алоҳида аҳамият касб этади. Бу бугунги фаровон ҳаётимиз, хотиржам ўтказаётган кунларимиз, юртимиздаги тотувлик ва бирдамликни асраб-авайлаш, қадрига етишда фарзандларимиз учун катта ибрат мактабидир.

Ёшлар ўз юртини севиши учун, аввало, ота-боболарининг жасоратини, ҳозирги эркин кунларга қандай машаққат ва қийинчиликлар эвазига эришилганини теран англаши, шунга муносиб бўлиши лозим, деди Президентимиз.

Биз истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш, халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган озод, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Йигирма йиллик тараққиёт йўлимизга назар солсак, олдимизга қўйган ана шу олий мақсадларга эришиш, том маънода буюк давлат барпо этиш йўлида қандай улкан қадамлар қўйилганини кўриш, сезиш қийин эмас.

"Тошкент — Самарқанд" йўналиши бўйича қатнай бошлаган тезюрар поезд истиқлолимизнинг йигирма йиллиги нишонланаётган кунларда халқимизга муносиб туҳфа бўлди. Бир пайтлар бундай замонавий, соатига 250 километр тезликда ҳаракатланадиган поездларнинг заминимизда юриши, ундан халқимиз фойдаланишини кўпчилик тасаввурига ҳам сиғдиролмасди.

Тарихан қисқа даврда биз ана шундай бетимсол ютуқларга эришмоқдамиз, деди давлатимиз раҳбари. Бугун бундай поезд дунёнинг бор-йўғи саккизтагина давлатида бор. Истиқлол туфайли Ўзбекистон ҳам ана шундай жуда камсонли илғор мамлакатлар сафидан жой олди. Бу нафақат темир йўлчиларимизнинг, балки бутун халқимизнинг ютуғидир.

Куни кеча ишга туширилган автомобиль двигателлари ишлаб чиқарадиган "General Motors Powertrain Uzbekistan" қўшма корхонасини олайлик. Бу улкан ва замонавий заводда ўзимизнинг ёшларимиз меҳнат қиляпти. Улар энг замонавий технологияларни бошқармоқда. Бу корхонадан чиққан маҳсулотлар дунёнинг ўнлаб давлатларига экспорт қилинади. Бундан фахрланмай, ғурурланмай бўладими, деди Президентимиз.

Ўзбекистон МДҲ давлатлари орасида биринчи бўлиб мана шундай мураккаб технологияли ишлаб чиқариш корхонасини бунёд этди. Бир пайтлар Ўзбекистоннинг автомобиль ишлаб чиқара олишига ишончсизлик билан қараганларнинг истеҳзоси асоссиз эканини ҳаёт исботлади. Булар халқимиз улкан бунёдкорлик салоҳиятининг самарларидир.

Қўлга киритаётган ютуқларимиз кўпайгани сари халқимизнинг фаровонлиги, турмуш маданияти ва салоҳияти ҳам юксалиб бораверади. Юксак маданият ва салоҳиятга эга халқ эса янги-янги марраларни қўлга киритаверади, деб таъкидлади Ислом Каримов. Ўтган йигирма йил мобайнида халқимизнинг онгу тафаккури бутунлай ўзгарди. Бугун халқимиз замонавий, юксак даражадаги шарт-шароитда ҳаёт кечиришга ўрганди. Буларнинг барчаси истиқлол йилларида олдимизга қўйган, биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз, кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам, деган ҳаётий мақсадимиз амалдаги ифодасидир.

Мустақил Ўзбекистонимизни дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари қаторига олиб чиқиш, халқимиз учун бундан ҳам юксак даражадаги шарт-шароитларни яратиш бизнинг эзгу мақсадимиздир, деди Президентимиз. Ўзини шу муқаддас Ватаннинг келажаги учун дахлдор деб биладиган ҳар бир инсон буни нафақат яхши англайди, балки шунга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади. Муқаддас айёмларнинг қўшалоқ келиши ҳам юртимизга ёғилаётган хайр-барака, эртанги кунга бўлган ишонч ифодасидир.

Шу куни Президентимиз Ислом Каримов Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйди.

Давлатимиз раҳбари бу ерда амалга оширилган ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Юртимизнинг бош майдони ва унга туташ бўлган Анҳор бўйи сўнгги йилларда ғоят кўркам ва сўлим масканга айланди. Серсоя дарахтлар, турфа гуллар, оқаётган зилол сув — бу бетакрор манзара майдонга ўзгача гўзаллик ва осудалик бағишлаган.

Сўлим майдон ҳамиша юртдошларимиз, пойтахтимиз меҳмонлари билан гавжум. Нуронийлар, навқирон йигит-қизларнинг юз-кўзида қувонч, шоду хуррамлик ифодаси зуҳур этган.

Пойтахтимиз ва юртимизнинг барча жойларида яратилаётган мана шундай гўзал ва хушманзара масканлар, аввало, юртимиз тинчлиги ва осойишталигининг ўзига хос кўркидир, деди Ислом Каримов. Бундай масканлар инсонни эзгуликка ундайди. Гўзаллик эса яхшилик, эзгулик туйғусини яратади, одамлар қалбида меҳр-оқибат, ўзаро ҳамкорлик ришталарини ривожлантиради. Шунинг учун бундай хушманзара жойларни юртимизнинг барча ҳудудларида янада кўпайтириш зарур.

Халқимизда "Қуш уясида кўрганини қилади", деган гап бор. Шу боис фарзандларимиз тарбиясида бундай сўлим масканларнинг ўрни беқиёс. Чунки инсон психологияси шундай: нимани кўрса, онги, тафаккури ҳам шунга қараб бораверади. Бунинг аҳамиятини, теран мазмунини халқимизга янада чуқурроқ етказиш зарур, деди Юртбошимиз пировардида.

Президентимиз майдон атрофини ободонлаштириш, ландшафт-дизайнини янада такомиллаштириш юзасидан зарур тавсиялар берди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар ва жамоатчилик номидан ҳам монумент пойига гулчамбарлар қўйилди.

**Ҳусниддин БЕРДИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# СИФАТЛИ, ҚУЛАЙ, ЗАМОНАВИЙ

***Ушбу сўзлар бугунги кунда пойтахт транспорт хизматининг эътиборга молик жиҳатларини ўзида мужассам этади. Мустақиллик йилларида азим шаҳримиз беқиёс гўзалликка бурканди, унинг қиёфасини белгиловчи боғ-роғлар, кўкаламзорлаштирилган майдонлар, кенг ва равон кўчалар ҳамда шинам транспорт воситалари бири-бирига уйғун тарзда янгиланди.***

— Истиқлол йилларида шаҳар транспорти тизими аҳоли талаб ва эҳтиёжлари ҳисобга олинган ҳолда, замон талабларига мос тарзда шаклланди, — дейди "Тошшаҳартрансхизмат" уюшмаси раиси Ш. Муҳаммаджонов. — Айни пайтда уюшма таркибидаги 68 та компания ва корхона томонидан 163 та автотранспорт ҳамда 6 та трамвай йўналиши бўйича хизмат кўрсатилмоқда. Бу жараёнда модернизациялаш ишлари самараси — ҳар бир кўчада, метрополитен бекатларида яққол кўзга ташланмоқда. "Евро-3", "Евро-4" русумидаги "Мерседес-Бенц", "ISUZU" автобуслари, "Татра" русумидаги трамвайлар, замонавий метрополитен вагонлари — йўловчиларимиз дидига, юксак маданий даражасига тўлиқ жавоб беради. Айтиш лозимки, бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги байрамига совға сифатида Чехия Республикасидан олиб келинган дастлабки иккита трамвай синовдан ўтказилмоқда.

Кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакилларига намойиш этилган "Pragoimex a.s." (Чехия) компаниясида ишлаб чиқарилган "Vario LF" русумли трамвайлар Тошкент жамолига ҳар томонлама муносиб: ташқи дизайни салобатли, салони қулай, содда қилиб айтганда, ҳузурижон.

"Тошшаҳартрансхизмат" уюшмасида янги трамвайлар тақдимотига бағишлаб ўтказилган йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда транспорт-коммуникация соҳасини изчил ривожлантириш, модернизациялаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, аниқ йўналтирилган чора-тадбирлар транспорт хизматини жаҳон андозалари даражасига кўтаргани алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 21 декабрда қабул қилинган "2011 — 2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида"ги қарори транспортнинг барча турлари, шунингдек, ер устида йўловчи ташувчи электр транспорти салоҳиятини оширишда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Қарор ижросини таъминлаш асосида пойтахтимизда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари бажарилаяпти. Айниқса, шаҳримиздаги мавжуд трамвай линияларини таъмирлаш, янги линияларни қуришга катта эътибор қаратилаётир.

Табиийки, янги линияларга янги трамвайлар ярашади. Шу боис 2011 — 2012 йиллар мобайнида ўнлаб хорижий трамвай ишлаб чиқарувчи компаниялар орасидан замонавийлиги, чиройли дизайни, қулайлигидан келиб чиқиб Чехиянинг "Pragoimex a.s." компанияси билан шартнома тузилди. Унга кўра 20 та "Vario LF" русумли трамвайни келтириш мўлжалланмоқда.

Ушбу трамвайлар электрон бошқарувли, иссиқ ва совуқ иқлимга чидамли. Электр энергияси сарфи бўйича 40 фоизгача тежамкор.

— Ўзбекистон кейинги йилларда барқарор юксалиб, жаҳонда эътироф қозонмоқда, — дейди Чехия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси вазифасини бажарувчи Роман Васарик. — Мен ҳам Тошкент кўчаларида Чехия трамвайлари қатнай бошлашидан чексиз қувончдаман. Қолаверса, бу воқеа мамлакатларимиз ўртасидаги амалий ҳамкорликнинг навбатдаги ёрқин мисоли ва ифодасидир.

Тақдимот маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Хўжаев иштирок этди.

**А. ҚУТБИДДИНОВ.**




***Энг улуғ, энг азиз байрам — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма йиллиги арафасида Давлат статистика қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлиги «Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990 — 2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011 — 2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари» статистик тўпламини нашрдан чиқарди.***

***Мазкур тўпламда мустақиллик йилларида бозор иқтисодиёти ислоҳотларини амалга ошириш ва Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш натижалари атрофлича таҳлил қилиниб, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, иқтисодиётни диверсификациялаш ва модернизация қилиш борасидаги энг муҳим ютуқлар ўз ифодасини топган.***

# ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА ЭРИШГАН ЮТУҚЛАРИМИЗ ФАКТ ВА РАҚАМЛАРДА

**Ўзбекистон Республикасини мустақиллик йилларида иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2011 — 2015 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари тўғрисидаги статистик тўплам чоп этилди.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов китобхонларга мурожаатида, шу йиллар давомида босиб ўтилган мураккаб йўлимизга боқиб, Ўзбекистонни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш бўйича эришилган марралар ва натижаларни холисона баҳолаш, мамлакатимиз мустақилликнинг дастлабки кунларида қандай аҳволда бўлгани, иқтисодиётимиз ривожи ва халқимизнинг турмуш даражаси қандай суръатлар билан ошиб борганига танқидий назар ташлаш зарурлигини таъкидлайди.

Истиқлол йилларида Ўзбекистонни иқтисодий ривожлантириш суръатлари — иқтисодиётнинг мафкурадан холилиги ва сиёсатдан устунлиги, давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини ўз зиммасига олиши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил амалга оширишдан иборат беш машҳур тамойилга асосланган марказлаштирилган-режали бозор иқтисодиётидан ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича «ўзбек модели»нинг нечоғли самарадорлиги, тўғрилиги ва ҳаётийлигини яққол намоён этди.

Тўпламда аниқ кўрсаткич ва фактлар воситасида йигирма йиллик мустақил ривожланиш даврида қанча қийинчиликлар, муаммолар, таҳдид ва синовларни енгиб ўтишга тўғри келганига қарамай, Ўзбекистонда иқтисодиётда изчил ўсиш суръатлари ва таркибий ўзгаришларни таъминлаш, мамлакатнинг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини юксалтириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳоли ҳаёт сифати ва даражасини ошириш бўйича кенг кўламли ва бири-бири билан ўзаро боғлиқ туб ўзгаришлар ҳаётга изчил татбиқ этилгани аниқ мисоллар асосида кўрсатиб берилган. Бу ўринда йигирма йил мобайнида республика ялпи ички маҳсулоти харид қилиш қобилияти бўйича 3,4 баробар, яъни 27,1 миллиард доллардан 92,3 миллиард долларга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми эса 3 баробар ошганини айтиб ўтиш кифоя.

Тўпламда республикамизнинг етакчи тармоқлари ва умуман иқтисодиётини ривожлантириш тенденциялари, унинг таркиби ва бошқарув тизимидаги сифат ўзгаришлари таҳлилига алоҳида эътибор қаратилган. Мустақиллик йилларида тизимли таркибий туб ўзгаришларнинг изчил амалга оширилиши натижасида Ўзбекистон иқтисодиёти бир ёқлама, асосан, хом ашё етказиб бериш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига йўналтирилган мамлакатдан иқтисодиётнинг замонавий индустриал сектори, юқори технологияли тармоқлар ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш алоҳида ўрин тутадиган, диверсификациялашган ишлаб чиқариш тузилмасига эга давлатга айланди.

Шу давр мобайнида ялпи ички маҳсулот таркибида саноат улуши 17 фоиздан 24 фоизга, хизматлар улуши 34 фоиздан 49 фоизга ошди. Автомобилсозлик, нефть-газ-кимё, фармацевтика, замонавий озиқ-овқат ва тўқимачилик саноати каби янги иқтисодиёт тармоқлари ташкил қилинди. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши таркибида чуқур ислоҳотларнинг амалга оширилиши, ердан фойдаланишнинг ижара шаклига асосланган бозор муносабатларига ўтиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг замонавий инфратузилмасини ташкил этиш ғалла мустақиллигига эришиш ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши умумий ҳажмини 1,8 баробар ошириш имконини берди. Натижада истиқлол йилларида барқарор пахта етиштиришни таъминлаш билан бир вақтда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши таркибида пахтанинг улуши 47,7 фоиздан 11,1 фоизга камайди, ғалла етиштириш ҳажми 3,7, гўшт етиштириш 1,9 баробар ўсди.

Тўпламда истиқлол йилларида Ўзбекистонда мутлақо янги банк-молия тизими яратилгани акс эттирилган. Солиқ юкини изчил камайтириш, эркин тадбиркорлик фаолиятини кенгайтиришга қаратилган солиқ сиёсатининг амалга оширилиши 2005 йилдан бошлаб дефицитсиз давлат бюджетини шакллантиришни таъминлаш билан бирга, иқтисодиётни барқарор ва жадал ривожлантириш, хўжалик субъектлари даромадини ошириш ҳамда уларнинг инвестиция жараёнида фаол иштирок этишини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Шу йиллар мобайнида кўплаб солиқ ставкалари 1,5-2 баробарга камайтирилди, давлат бюджети таркибида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун сарфланадиган харажатлар улуши мустақиллик йилларида 31,5 фоиздан 59 фоизгача кўпайди.

Тўпламда мамлакатимиз банк тизимини ривожлантириш бўйича келтирилган кўрсаткичлар йигирма йил ичида кенг тармоқли тижорат банклари ташкил этилгани, уларнинг капитали ва ресурс базаси узлуксиз кўпайиб бораётгани, инвестиция фаолиятида банк тизимининг иштироки кенгаяётгани, аҳолининг банкларга бўлган ишончи ортаётгани натижасида банкларда депозитлар ўсаётганидан ёрқин далолат беради. Айни пайтда барча кредитларнинг 75 фоиздан ортиғини янги ишлаб чиқаришларни барпо этиш, фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш ва технологик янгилашга йўналтирилган узоқ муддатли инвестиция кредитлари ташкил қилади. Ўзбекистон банкларига етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан берилган барқарорлик рейтинглари уларнинг юқори даражада молиявий мустаҳкамлигини тасдиқлайди.

Қулай инвестиция муҳитини яратиш ва фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш мамлакатимизни иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим омилига айланди. Бу эса, ўз навбатида, истиқлол йилларида ҳар йили ўзлаштирилаётган капитал қўйилмалар ҳажмини 11,6 баробар ошириш, молиялаш манбалари ва фойдаланиш йўналишлари бўйича уларнинг таркибини сифат жиҳатидан ўзгартириш имконини берди. 1990 йилда барча инвестицияларнинг 46,3 фоизини давлат бюджети маблағлари ташкил этган бўлса, 2010 йилда жами капитал қўйилмаларнинг 57,9 фоизини марказлаштирилмаган манбалар, 29,1 фоизини эса хорижий инвестициялар таъминлади. Бундан ташқари, шу давр мобайнида ишлаб чиқаришга йўналтирилган инвестициялар 58,3 фоиздан 73,5 фоизгача кўпайди. Мустақиллик йилларида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Шўртан газ-кимё мажмуаси, Қўнғирот сода заводи, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи, Асака ва Самарқанд шаҳарларидаги автомобиль заводлари каби йирик саноат объектлари, автомобиль эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқарадиган хорижий инвестициялар иштирокидаги йигирмадан ортиқ корхона, ўнлаб замонавий тўқимачилик комплекслари ва кўплаб бошқа корхоналар фойдаланишга топширилди.

Тўпламга киритилган материалларда истиқлол йилларида республикамиз жаҳон хўжалик алоқалари тизимига босқичма-босқич интеграциялашиб боргани акс этган. Шуни унутмаслик керакки, сўнгги йигирма йил ичида жаҳон иқтисодиёти қатор таназзуллар, жумладан, 1997 — 1998 йиллардаги жаҳон молиявий инқирози, фонд ва товар бозорларидаги кўплаб кескин пасайишлар, шунингдек, 2008 йилда бошланган ва айни пайтгача давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини бошдан кечирди. Бироқ ушбу мураккаб шароитларда ҳам бизнинг ёш иқтисодиётимиз ташқи таъсирларга нисбатан ўзининг мустаҳкамлиги ва барқарорлигини намойиш қилди, Инқирозга қарши чоралар дастурининг ўз вақтида ва аниқ мақсадга йўналтирилган тарзда амалга оширилиши ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш ҳамда экспортчи корхоналар рақобатбардошлигини ошириш учун янги имкониятлар яратди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ташқи савдо айланмаси 27,1, шу жумладан, экспорт ҳажми 29,6 баробар ошди, шу давр ичида ташқи савдо айланмаси ҳажми ялпи ички маҳсулотга нисбатан 6 фоиздан 56,1 фоизгача ўсди. Ўзбекистон, асосан, хом ашё етказиб бериб, тайёр маҳсулот олиб келинадиган мамлакатдан ишлаб чиқаришларни техник ва технологик модернизация қилиш учун мўлжалланган юқори технологик асбоб-ускуналарни четдан олиб келиб, экспортга юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотлар чиқарадиган давлатга айланди.

Тўпламда келтирилган мустақиллик йилларида республикани иқтисодий ривожлантириш суръатларининг таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан истиқлолнинг дастлабки йилларида илгари сурилган ва бозор иқтисодиётининг асоси ҳисобланган хусусий мулк устуворлигини мустаҳкамлаб берган хусусий мулк тузилмасидаги туб ўзгаришлар мамлакат иқтисодий салоҳиятини очиб бериш, аҳоли кенг қатламларининг иқтисодий фаоллигини оширишда муҳим омил бўлди. Кенг кўламли хусусийлаштириш жараёнининг амалга оширилиши натижасида иқтисодиётнинг нодавлат сектори ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқаришда, иқтисодиётнинг кўплаб тармоқлари ва аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим ўрин эгаллади. Ялпи ички маҳсулотнинг 52,5 фоизини ишлаб чиқараётган ва жадал ривожланиб бораётган кичик бизнес ҳақли равишда мамлакатимиз иқтисодиётини жадал ривожлантиришда етакчи роль ўйнамоқда.

Тўпламда келтирилган статистик кўрсаткичлар, рақам ва фактлар таҳлили ижтимоий соҳа, аҳолининг ўртача умр кўриши ва турмуш даражасидаги ижобий ўзгаришлар истиқлол йилларида мамлакатимизни тубдан ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича ҳар томонлама пухта ҳамда чуқур ўйланган дастурни амалга ошириш самаралари эканини ифодалайди.

Мустақиллик йилларида кучли ижтимоий сиёсат юритиш, соғлиқни сақлаш тизимини комплекс ислоҳ қилиш ва унинг инфратузилмасини ривожлантириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида аҳолининг ўртача умр кўриши 67,2 ёшдан 73,1 ёшга узайди, оналар ва чақалоқлар ўлимининг барқарор равишда уч баравардан ортиқ камайишига эришилди.

Шу даврда аҳоли жон бошига реал пул даромадларини, аввало, хусусий мулк ва тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромадлар эвазига 3,7 баробар ошириш таъминланди. Айни пайтда хусусий мулк ва тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромадлар аҳоли умумий даромадининг 47 фоизини ташкил этмоқда. Даромадларнинг ошиши билан бир қаторда, аҳолининг истеъмол харажатлари таркибида ҳам сифат ўзгаришлари рўй берди, жон бошига ўртача гўшт, сут, сабзавотлар, картошка, мевалар каби муҳим озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш кўпайди. Сифатли ноозиқ-овқат товарларидан фойдаланиш, айниқса, мураккаб маиший техника, компьютерлар, автомобиллар, шунингдек, турли хизматлар билан таъминланганлик даражаси ҳам ўсди. Бунга ўтган йиллар давомида кенг турдаги истеъмол товарларини ўзимизда ишлаб чиқариш ва маиший хизматларни ташкил этиш, яъни уларни тегишли равишда 4,7 ва 8,3 баробарга ошириш ҳисобига эришилди.

Мустақиллик йилларида таълим тизимини тубдан модернизация қилиш имконини берган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш мамлакатимизни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишига айланди. 12 йиллик мажбурий таълимга ўтиш, 1,5 мингдан ортиқ касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни барпо этиш иқтисодиёт тармоқлари учун зарур бўлган мутахассисликлар бўйича юқори малакали кадрлар тайёрланишини таъминламоқда.

Тўпламда истиқлол йилларида қўлга киритилган якунлар ва натижалар таҳлили билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган мамлакатимизни янада ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича стратегик вазифалардан келиб чиққан ҳолда, 2011 — 2015 йилларда республика иқтисодиётини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ҳамда прогноз кўрсаткичлари ҳам батафсил баён этилгани муҳим аҳамиятга эгадир.

Иқтисодиётимизни жадал ва мувозанатли ривожлантиришни таъминлаш, чуқур таркибий туб ўзгаришларни, иқтисодиёт етакчи тармоқларини модернизация ҳамда диверсификация қилишни давом эттириш, бизнес юритиш учун янада қулай инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, юқори қўшимча қийматга эга юксак технологик, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни, аввалambор, мамлакатимиздаги мавжуд табиий ресурсларни чуқур қайта ишлаш ҳамда иқтисодиётимизнинг рақобат борасидаги бошқа устунликларидан фойдаланиш асосида экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришларни ўзлаштириш Ўзбекистонни замонавий тараққий эттиришнинг стратегик устувор йўналишлари ҳисобланади.

2011 — 2015 йилларда жами инвестиция ҳажми 77,4 миллиард доллар бўлган саноат, инфратузилма, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантириш бўйича қабул қилинган тўртта бири-бири билан ўзаро боғлиқ стратегик дастурнинг амалга оширилиши, банк-молия тизимини ислоҳ қилиш мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим ўрин тутади ва ялпи ички маҳсулотни 1,5 баробар кўпайтиришни таъминлайди.

Иқтисодиётда таркибий туб ўзгаришларни фаол давом эттириш яқин йилларда ялпи ички маҳсулот таркибида саноат улушини, биринчи навбатда, энергетика, нефть-газ-кимё, кимё, тўқимачилик ва енгил саноат, рангли металлургия, машинасозлик ва автомобилсозлик, фармацевтика, замонавий қурилиш ҳамда пардозлаш материаллари ишлаб чиқариш каби устувор тармоқларни ривожлантириш ҳисобига 24 фоиздан 28 фоизга ошириш имконини беради. Бундан ташқари, келгуси йилларда ижтимоий соҳа ва хизмат кўрсатиш сектори янада равнақ топади, инфратузилма лойиҳалари амалга оширилиб, тураржой объектлари, шу жумладан, қишлоқ жойларда фойдаланишга топширилади.

Тўпламда қайд этилганидек, кенг кўламли иқтисодий ислоҳотларни давом эттириш, мавжуд ресурслар ва имкониятларни жалб этиш, ислоҳотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни изчиллик билан амалга ошириш, аҳоли ҳаёт сифати ва жами даромадини босқичма-босқич кўпайтириб бориш пировард натижада ўз олдимизга қўйган эзгу мақсадимизга эришиш — иқтисодий жиҳатдан ривожланган демократик давлатлар қаторига қўшилиш ҳамда жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш имконини беради.

Мамлакатимизнинг етакчи иқтисодчилари, илмий тадқиқот институтлари иштирокида тайёрланган ушбу тўплам, биринчи навбатда, ёшларда, яъни касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабаларида катта қизиқиш уйғотиши, кенг доирадаги мутахассислар, олимлар, ўқитувчилар, давлат ва жамоат ташкилотлари ходимлари учун фойдали қўлланма бўлиши, шубҳасиз.

**(ЎзА).**

# ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

***Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамда Корея Республикасининг давлат харидлари бўйича агентлиги ўртасида уч томонлама англашув меморандуми имзоланди.***

Ҳужжатни имзолаш маросимида икки мамлакатнинг банк-молия тизими вакиллари, тегишли вазирлик ва идоралари, компаниялари раҳбарлари иштирок этди. Бугунги кунда Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги муносабатлар бошқа соҳалар қатори савдо-иқтисодий ва молиявий йўналишда ҳам изчил ривожланиб бормоқда. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир. Хусусан, жорий йилнинг 23 — 24 август кунлари Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлгани ўзаро фаол ҳамкорлик муносабатларини янада юқори босқичга олиб чиқди.

Корея Республикаси — Ўзбекистоннинг энг йирик сармоявий шерикларидан бири. Ўзаро ҳамкорлик даврида Корея Республикаси томонидан Ўзбекистон иқтисодиётига киритилаётган сармоянинг умумий ҳажми 5 миллиард АҚШ долларидан ошди, ўзлаштирилган, асосан, тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми 2 миллиард АҚШ долларидан кўпроқни ташкил қилади. Савдо алоқалари борасида мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган.

Икки мамлакатнинг ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасидаги имкониятлари катта. Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 2010 йили 1 миллиард 614,7 миллион АҚШ долларидан ошди. Жорий йилнинг январь — июнь ойларида эса мазкур кўрсаткич 780 миллион АҚШ долларига етди. Ўзбекистонда кореялик ҳамкорлар билан ташкил этилган 360 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда Жанубий Кореянинг 84 компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Ушбу ҳужжат икки мамлакат ўртасида молиявий ва техникавий ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, электрон давлат харидлари тизимини жорий этиш ва ривожлантириш бўйича томонларга техник ва ахборот кўмаги кўрсатиш, электрон давлат харидлари тизимини такомиллаштириш йўлида икки мамлакат экспертларини жалб этиш орқали семинар-тренинглар ўтказишни назарда тутади.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси мамлакатимизда давлат харидлари тизимини ривожлантириш борасида изчил саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда. Хусусан, палата бу борада жаҳондаги илғор тажрибани ўрганиш ва жорий этишга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Мазкур ҳужжат ҳам ушбу йўналишда Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

— Ўзбекистонда электрон таъминот тизимини татбиқ этишга катта эътибор қаратилаётганининг гувоҳи бўлдик, — деди Корея Республикасининг давлат харидлари бўйича агентлиги раҳбари Кю Юн Чои. — Мамлакатингиз билан бу борада ўзаро амалий ҳамкорликни ривожлантириш тарафдоримиз.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# «ХАЙР, ЎЗБЕКИСТОН, ТАБАРРУК ДИЁР!»



Алишер ИСРОИЛОВ (ЎзА) олган сурат.

***Мамлакатимиз мустақиллигининг қутлуғ 20 йиллик тантаналари арафасида кўҳна ва мафтункор Самарқанд шаҳрида “Шарқ тароналари” саккизинчи халқаро фестивали якунланди.***

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган мазкур фестиваль ҳар икки йилда бир марта ўтказиб келинади. Элларни элларга, дилларни дилларга боғлаган мусиқа форумининг бу галги тадбирларида дунёнинг 56 мамлакатидан таниқли ва истеъдодли санъаткорлар қатнашди. Шу боис фестиваль ҳар қачонгидан-да ҳаяжонли лаҳзаларга бой ва тароватли кечди. Меҳмонлар нафақат Шарқ гавҳари ҳисобланмиш Самарқанд шаҳрининг “Ёшлик” ва “Сўғдиёна” истироҳат боғларидаги саҳналарда, балки вилоятнинг Жомбой, Пайариқ, Ургут, Самарқанд, Тайлоқ, Пастдарғом каби туманларида ҳам концерт дастурлари намойиш қилдилар. Одамларга кўтаринки руҳ бағишлаган шодиёналар Мустақиллик байрами тантаналарига уланиб кетди.

Шундай қилиб, фестивалнинг энг қизғин, ҳаяжонларга бой куни — 30 август оқшоми бошланди.

Регистон майдонидаги амфитеатрга фестиваль иштирокчилари, меҳмонлар, санъат ихлосмандлари жамулжам бўлишди.

...Ҳамма ҳаяжонда. Ниҳоят, фестивалнинг ғолиб ва совриндорлари номи эълон қилинди.

**Олий мукофот — Гран-при Жанубий Кореядан ташриф буюрган ижодий жамоага насиб этди. Биринчи ўринга Хитой Халқ Республикаси ва Литва вакиллари лойиқ деб топилди. Ўзбекистон, Россия ва эронлик фестиваль иштирокчилари иккинчи ўрин соҳиби бўлишди. Учинчи ўринга эса Туркманистон, Грузия ва Мадагаскар давлатларининг вакиллари эгалик қилишди. Шунингдек, фестиваль қатнашчиларига турли йўналишлар бўйича ЮНЕСКОнинг махсус мукофотлари топширилди.**

— Фестивалда 56 давлатдан 367 нафар иштирокчи қатнашаётганлигини эшитганимизда, ниҳоятда ҳаяжонландик, — дейди Гран-при соҳиби, Жанубий Кореянинг “Содо-содо” гуруҳи раҳбари Пак Жон Ук. — Жаҳон аҳли тан олган шундай нуфузли санъат анжуманида ғолиб чиқиш — улкан бахт. Афсонавий Самарқандни, мафтункор Ўзбекистонни ўз кўзимиз билан кўрганимиздан жуда-жуда хурсандмиз. Юртдошларингиз, шаҳар ва туманларингиз, барча-барчаси бизларда ёрқин таассурот қолдирди. Очиғини айтсам, бундай гўзал диёрдан кетгим келмаяпти. Шундай бўлсада, дилимизда эзгу илинж бор — насиб қилса, юртингизга яна келиб, санъатимизни намойиш этамиз. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон аҳлини қутлуғ айём — Мустақилликнинг йигирма йиллиги билан самимий муборакбод этамиз. Хайр, Ўзбекистон, табаррук диёр!

Маросим сўнгида фестиваль ғолиблари ва республикамиз санъат усталари томонидан концерт дастури намойиш қилинди.

Фестиваль байроғи туширилиб, унинг иштирокчилари яна икки йилдан сўнг “Шарқ тароналари” мусиқий анжуманида қатнашиш ниятини билдириб, хайрлашдилар.

Фестивалнинг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Арипов ва Самарқанд вилояти ҳокими З. Мирзаев иштирок этди.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилган тараққиётнинг “ўзбек модели” асосида кенг кўламли ислоҳотлар, модернизациялаш жараёнлари изчил давом эттирилмоқда. Пировардида юртимизда ҳар қандай шароитда, ҳаттоки жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози асоратлари сезилаётган бугунги кунда ҳам барқарор ривожланиш таъминланиб, халқимиз фаровонлиги янада юксалиб бораётир. Давлатимиз равнақида алоҳида аҳамиятга эга транспорт-коммуникация соҳасида рўёбга чиқарилаётган йирик лойиҳалар бунинг ёрқин тасдиғидир.***

# ЭНГ АЗИЗ АЙЁМГА МУНОСИБ ТУҲФА

Пойтахтимизда “Тошкент — Самарқанд” йўналишида юқори тезликда юрувчи “Afrosiyob” тезюрар электропоездлари қатнови йўлга қўйилишига бағишланган тақдимот маросимида шулар алоҳида таъкидланди. Унда республикамиздаги тегишли вазирлик, идора, ташкилотлар қаторида Испаниянинг “Patentes Talgo” ва бошқа хориж темир йўл компаниялари, дипломатик корпус вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Маросимда давлатимиз раҳбарининг 2009 йил май ойида Испания Қироллигига ташрифи доирасида Марказий Осиёда биринчи бўлиб юқори тезликда ҳаракатланувчи электропоездлар қатновини йўлга қўйиш бўйича келишувга эришилгани соҳада юксак самарадорлик сари ташланган муҳим қадам бўлганига алоҳида урғу берилди. Зеро, шу асосда “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик темир йўл компанияси ва Испаниянинг “Patentes Talgo” компанияси ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича меморандум имзоланиб, умумий қиймати 38 миллион евролик иккита электропоезд сотиб олишга келишилди. Юртбошимизнинг 2010 йил 5 январдаги қарори эса мазкур йирик лойиҳа амалиётида муҳим аҳамият касб этиб, унга мувофиқ молиявий манбалар белгилаб берилди.

*— Ўзбекистоннинг иқтисодий-ижтимоий барқарорлиги мустаҳкам, салоҳияти катта, — дейди “Patentes Talgo” компанияси бошқаруви раиси Хосе Мария Ориоль Фабиа. — Буни юртингизда темир йўл соҳасининг жадал равнақи мисолида ҳам кўриш мумкин. Биз ҳам юқори тезликка эга электропоездларимиз минтақада биринчи бўлиб айнан мамлакатингиз темир йўлларида ўз ҳаракатини бошлаганидан мамнунмиз. Бу, ўз навбатида, давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг янги уфқларини очиши баробарида, юртингизда транспорт-коммуникация ҳамда туризм тармоқларини янада ривожлантиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.*

*Шу фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон Мустақиллигининг йигирма йиллиги билан халқингизни компаниямиз номидан чин дилдан қутлайман. Бу айём бизга ҳам қувончли дамлар ҳадя этганини эса алоҳида таъкидламоқчиман. Сабаби, байрам муносабати билан Президент Ислом Каримов Фармонига биноан, Ўзбекистон билан икки томонлама ва кўп томонлама савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий, илмий-таълим соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги фаол ва самарали фаолияти учун компаниямиз президенти Карлос Паласио и де Ориоль “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил” эсдалик нишони билан тақдирланди. Бундай катта эътибор учун Президент Ислом Каримовдан жуда миннатдормиз.*

Тақдимот давомида “Afrosiyob” тезюрар электропоездлари, уларнинг қатновини йўлга қўйиш лойиҳаси ва бу борада қилинган ишлар хусусида атрофлича маълумот берилди.

*— “Afrosiyob” электропоезди иккита бош локомотив, саккизта йўловчи вагон ва битта вагон-ресторандан иборат, — дейди испаниялик мутахассис Эдуардо Граса. — Бу эса 215 йўловчини ўз вақтида манзилига етказиб қўйиш имконини беради. Унда темир йўл меъморчилигининг энг сўнгги ютуқлари мужассамлашган. Бошқарув тизими тўлиқ компьютерлаштирилган. Конструкциянинг енгил ва мустаҳкамлиги хавфсизлик ҳамда энергия тежамкорлиги гаровидир. Бундан ташқари, ғилдираклари кам емирилади ва унда барқарор юқори тезлик ҳамиша сақланади. Вагонлар шинам ва қулай. Уларга ўрнатилган электрон таблолар орқали ҳаво ҳарорати, йўналиш жадвали ҳамда тезлик ҳақида ахборотлар бериб борилади. Шу билан бирга, доимо мўътадил ҳароратли ва шовқиндан ҳимояланган салонлар ажойиб дизайндаги замонавий интерьерларга эга. Бу йўловчилар учун барча қулайликлар муҳайё этилган, деганидир. Яна бир жиҳати, уларда ногирон йўловчилар учун ҳам етарли шарт-шароитлар мавжуд. “Patentes Talgo”нинг бу каби тезюрар поездлари дунёнинг саккизта давлатида бор.*

Маросимда, шунингдек, темир йўлни юқори тезликдаги поездлар ҳаракатланишига мослаштириш, бу борада хавфсизликни таъминлаш ва кафолатли хизмат кўрсатиш каби энг асосий жиҳатларга катта эътибор қаратилгани қайд этилди. Хусусан, “Тоштемирйўллойиҳа” масъулияти чекланган жамияти, “Бошtransлойиҳа” очиқ акциядорлик жамияти, Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти, Москва ва Санкт-Петербургдаги ихтисослаштирилган лойиҳа институтлари томонидан норматив ҳужжатлар ва лойиҳалар ишлаб чиқилди.

*— Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов томонидан темир йўл инфратузилмасини янгилаш, қайта қуриш ва уларни техник ҳамда технологик жиҳатдан жадал такомиллаштиришга қаратилаётган катта эътибор ўзининг салмоқли самараларини бермоқда, — дейди Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар Темир йўл транспорти бўйича кенгаши дирекцияси раиси Пётр Кучеренко. — Масалан, ўтган қисқа давр ичида юртингизда мазкур соҳада асрга татигулик бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Янги темир йўллар, туннель ва кўприклар қурилди, станциялар, вокзаллар реконструкция қилинди, яна бир муҳим жиҳати шундаки, соҳага инновациялар кенг миқёсда жорий этилди. Мухтасар айтганда, мамлакат темир йўллари тизими ҳавас қилгулик даражада модернизациялаштирилди ва бу жараён изчил давом эттирилмоқда.*

Тадбирда таъкидланганидек, “Тошкент — Самарқанд” участкаси қиёфаси янгиланди. Жумладан, “Янгиер — Даштобод” оралиғида 35,32 километрлик икки қаторли янги темир йўл, 142 метрли туннель ва умумий узунлиги 400 метрга тенг тўртта кўприк барпо этилди, кенг кўламли ободонлаштириш ишлари якунига етди, бекат ва вокзаллар қиёфаси кўркамлашиб, уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Қолаверса, “Ўзбекистон” локомотив депосида замонавий асбоб-анжомлар ва ускуналар билан тўлиқ жиҳозланган техник хизмат кўрсатиш цехининг ишга туширилиши “Afrosiyob” электропоездларига юқори савияда сервис хизмати кўрсатиш имкониятини яратди.

Бундай мустаҳкам пойдевор эса “Afrosiyob” тезюрар электропоездини “Тошкент — Самарқанд — Тошкент” йўналиши бўйича дастлабки қатновни катта муваффақият билан амалга ошириш имконини берди.

*— Мустақиллигимизнинг улуғ 20 йиллиги арафасида энг замонавий электропоездни бошқарганимиздан чексиз фахрланамиз, — дейишганди ўшанда ёш мутахассис-машинистлар Равшан Анарбоев ва Максим Маркин. — Бундан оила аъзоларимиз, устозларимизнинг қувонганини айтмайсизми? Буларнинг бари Истиқлолимиз ва тинчлигимиз шарофатидандир. Юртбошимиз томонидан ёш авлодга кўрсатилаётган бундай юксак эътибор бизни янги-янги марралар сари рағбатлантираверади.*

Анжуманда мамлакатимизда юқори тезликда юрувчи поездлар ҳаракати йўлга қўйилгани юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини изчил юксалтиришга хизмат қилиши, яқин келажакда Бухоро, Қарши ва Термиз шаҳарларига ҳам ана шундай замонавий темир йўл транспорти воситалари кириб бориши режалаштирилаётгани эса тараққиётнинг муаззам чўққиларини янада кўпроқ забт этишга замин яратишига алоҳида эътибор қаратилди.

Тақдимот маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Хўжаев иштирок этди.

**Саиджон МАХСУМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ХОРИЖЛИК ЭЛЧИЛАР МУСТАҚИЛЛИК ВА ЭЗГУЛИК МОНУМЕНТИ ПОЙИГА ГУЛ ҚЎЙДИЛАР

**Хорижий давлатларнинг мамлакатимизда фаолият юритаётган элчихоналари раҳбарлари ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйдилар.**

*Мустақиллик майдони Ватанимизнинг юрагидир. Юртдошларимизнинг, мамлакатимиз меҳмонларининг бу муқаддас масканни зиёрат қилишида катта рамзий маъно бор. Зеро, бу майдон аждодларимиз асрлар мобайнида орзиқиб кутган, бугунги авлодларга насиб этган энг улуғ, энг азиз неъмат — Истиқлолимиз рамзидир. Шу боис барчамиз мустақиллик бизга берган неъматларнинг нечоғли буюк ва қадрли эканини шу муаззам майдон тимсолида нафақат тасаввур, балки юракдан астойдил ҳис этамиз.*

*Мустақиллик майдонига қадам қўйган ҳар бир инсон қалбида эзгу туйғулар жўш уради. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан бунёд этилган Мустақиллик ва эзгулик монументи ўзининг улуғворлиги, кўрку салобати билан давлатимизнинг улкан куч-қудрати ва салоҳиятини ифодалаб турибди. Монумент Ўзбекистоннинг тинчликсевар сиёсатини, ўзбек халқининг бунёдкорлик ва фаровонлик йўлидаги эзгу интилишларини акс эттирган ноёб мажмуадир.*

*Мамлакатимизда ўтадиган умумхалқ байрамлари ҳамда давлат миқёсидаги бошқа тантанали маросимларда Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйиш анъанага айланди. Шунингдек, Ўзбекистонга ташриф буюрадиган хорижий мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари, турли мақомдаги делегациялар вакиллари ва бошқа меҳмонлар Монумент пойига гулчамбар қўйиши ҳам таомил тусини олди.*

*Хорижий давлатларнинг мамлакатимизда фаолият юритаётган элчихоналари раҳбарлари Ватанимиз истиқлолининг 20 йиллик байрами арафасида Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйгани ҳам уларнинг миллий анъаналаримизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтироми ифодасидир.*

*ЎзА мухбирлари хорижлик дипломатларнинг айримлари билан суҳбатда бўлди.*

**Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жорж КРОЛ:**

— Мустақиллик майдонининг тароватини таърифлашга сўз ожиз. Мазкур майдон, Мустақиллик ва эзгулик монументи, бу ернинг гўзал тароватi менда катта таассурот уйғотди.

Куни кеча Тошкентни сайр қилдим. Унинг қиёфаси кундан-кунга кўркамлашиб, гўзаллашиб бормоқда. Шаҳар инфратузилмасини янада такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари таҳсинга лойиқ. Юртингизнинг самимий, меҳмондўст, бағрикенг ва меҳридарё халқига ҳурматим янада ошди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда ривожланиб бораётганидан беҳад мамнунман. Келгусида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатларнинг янада ривожланиши ва мустаҳкамланишига ишонаман.

**Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлигининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Муваффақ Муҳаммад Аҳмад АЖЛОУНИЙ:**

— Юртингизда ўтган 20 йил мобайнида мисли кўрилмаган ўзгаришлар рўй берди. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида халқ фаровонлигини янада юксалтиришга, ижтимоий ва сиёсий барқарорликни таъминлашга улкан эътибор қаратилаётир. Мамлакатингизда тинч ва осойишта ҳаёт ҳукм сурмоқда. Бу эса Ўзбекистоннинг истиқболи порлоқ эканидан яна бир далолатдир.

Мамлакатингиз истиқлол йилларида иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан қудратли, жаҳон сиёсати саҳнасида ўз овози ва нуфузига эга давлатга айланди. Давлатингиз раҳбари узоқни кўзлаб юритаётган оқилона сиёсатнинг самаралари келажакда янада ошишига ишонаман.

Ўзбекистоннинг мустақиллиги ва тинчлиги абадий, истиқболи бундан-да порлоқ бўлсин!

**Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Руперт ЖОЙ:**

— Ўзбекистон истиқлол йилларида барча соҳаларда катта муваффақиятларга эришганини алоҳида таъкидлашни истардим. Юртингизда, айниқса, таълим соҳасида амалга оширилаётган ишлар, талабаларнинг пухта билим олиши учун яратилган шарт-шароитлар эътиборга молик. Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасида мазкур тизимдаги ҳамкорлик йил сайин тараққий топмоқда. 2002 йили ташкил этилган Тошкент Халқаро Вестминстер университети мамлакатларимиз ўртасида таълим соҳасидаги фаол ҳамкорликнинг ёрқин намунасидир.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини Истиқлол байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

**Малайзиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Абдул Азиз бин ХАРУН:**

— Ўтган йигирма йил ичида Ўзбекистон юксак иқтисодий кўрсаткичларни қўлга киритди. Бу вақт мобайнида мамлакатингиз нафақат иқтисодий юксалди, балки ижтимоий, сиёсий, таълим, маданият каби кўплаб соҳаларда ҳайратланарли ютуқларга эришди.

Мустақиллик майдонининг гўзаллиги ва бетакрорлиги ҳар қандай кишини лол қолдиради. Ям-яшил майдон ва мўъжизакор бинолар кишида эзгу ҳислар ва ҳавас уйғотади.

**Беларусь Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Игорь СОКОЛ:**

— Ўзбекистонда халқ фаровонлигини ошириш йўлида изчил олиб борилаётган барча ишлар таҳсинга лойиқ. Халқингизнинг мамлакатингиздаги тинч-тотув ва осуда ҳаётдан мамнунлиги уларнинг юз-кўзларида акс этиб турибди.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини мустақиллик айёми билан чин қалбимдан табриклайман. Давлатингиз истиқлоли абадий бўлсин!

**ЎзА мухбирлари**
**Мадина УМАРОВА,**
**Нодира МАНЗУРОВА**
**ёзиб олди.**

# НАВОИЙ АСАРЛАРИНИНГ ЯНГИ НАШРИ

**Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида Алишер Навоий асарларининг 10 жилдлик тўла асарлар тўплами нашр этилди.**

Истиқлол йилларида мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий ўзликни англаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод тафаккури, диди ва маънавиятини юксалтириш йўлида амалга оширилган улкан ишлар жараёнида ҳазрат Навоийнинг боқий мероси ҳам қадр топди. Уларни чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.




Халқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами арафасида Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан китобхонлар учун ўзига хос тўёна тайёрланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 6 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорига кўра, буюк шоирнинг 10 жилдлик тўла асарлар тўплами чоп этилди. Ушбу тўплам мустақиллигимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, ривожлантириш, халқимиз, айниқса, ёш авлод онгига она-Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини сингдириш, инсонпарварлик ғояларини тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Алишер Навоийнинг асарлари аввал ҳам 3, 15 ва 20 томликлар шаклида нашр қилинган. Янги нашрда сўз ва ибораларга муайян тартибда шарҳ берилгани, ҳар бир ғазалнинг алоҳида саҳифада чоп этилиши, “Алишер Навоий асарлари луғати”нинг илова қилиниши ўқувчиларга катта қулайлик яратади. Тўпламнинг 1, 2, 3 ва 4-жилдларидан буюк шоирнинг “Хазойин ул-маоний” деб номланган тўрт девон, 5-жилддан форсий ғазаллари, 6, 7 ва 8-жилдларидан “Хамса”, 9 ва 10-жилдларидан адабиётшунослик, тарих ва тасаввуфга оид насрий асарлари жой олган.

Мажмуанинг мустақиллик байрами арафасида дунё юзини кўришида рамзий маъно бор. Боиси ҳазрат Навоийнинг боқий мероси доим буюк ва муқаддас Ватанимиздаги тинч-осойишта, эркин ва фаровон ҳаётни кўз қорачиғимиздек асраб-авайлаш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимизни ривожлантириш, бунёдкорлик туйғуси билан ўзимиздан яхши ном қолдириб яшашга даъват этади.

# БУЮК АЖДОДЛАРГА БУЮК ЭҲТИРОМ




***Бугунги кунда маънавиятимиз ривожини одамларнинг ҳис-туйғуларига, уларнинг онги ва тафаккурига кучли таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлган тасвирий санъат асарларисиз тасаввур этиш мушкул. Шу боис мустақиллигимизнинг илк кунларидан бошлаб маҳобатли ҳайкаллар ва ёдгорлик мажмуаларини ўз ичига олган энг оммавий санъат йўналишларидан бири — монументал санъат ривожига юртимизда давлат сиёсатининг устувор масалаларидан бири сифатида жуда катта эътибор қаратила бошланди.***

Ўтган йигирма йиллик давр мобайнида бевосита Президентимиз Ислом Каримовнинг ғоя ва ташаббуслари, амалий саъй-ҳаракатлари туфайли бу санъат ўзининг қадим анъаналарини тиклаб, янги, янада юксак тараққиёт босқичига кўтарилди. Эндиликда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида миллий ўзлигимизни англаш, довруғи бутун дунёга машҳур улуғ аждодларимизнинг табаррук номларини тиклаш ва хотирасини абадийлаштириш мақсадида бунёд этилган ёдгорлик мажмуаларини кузатар эканмиз, бу соҳада қисқа вақт ичида асрларга арзийдиган улкан ишлар амалга оширилганига гувоҳ бўламиз.

Ушбу мажмуалар, аввало, халқимизнинг миллий руҳи ва табиатига, ҳаётий қарашлари ва орзу-умидларига, иймон-эътиқодига мос равишда, ҳар қайси ҳудуднинг ўзига хос жиҳатларига, шаҳарсозлик талаблари, ландшафт дизайнига уйғун ҳолда барпо этилгани янада аҳамиятлидир.

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги байрами арафасида маданий ҳаётимизда яна бир муҳим воқеа юз берди. Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан тайёрланган “Мустақиллик даври ўзбек меъморчилик ва монументал ҳайкалтарошлик санъати” альбом-рисоласи нашр этилди.

Ушбу альбомда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг бевосита ташаббуси ва раҳбарлигида мустақиллик даврида миллий меъморчилик ва ҳайкалтарошлик санъати ҳамда бу соҳа ривожида кузатилаётган янгича ғоявий-бадиий йўналиш ва ўзгаришлар хусусида сўз юритилади. Ана шу даврда меъмор ва ҳайкалтарошларимиз томонидан яратилган, юртимизнинг турли вилоятлари ва хорижий давлатларда қад ростлаган ёдгорлик мажмуалари ҳамда монументал асарларнинг ёрқин суратлари китобдан ўрин олган. Ўқувчилар бугунги кунда халқимизнинг маънавий мулкига айланган бу сара асарлар репродукциясини томоша қилиш билан бирга, ушбу ижодий асарларнинг яратилиш тарихи ва жараёни қай тарзда кечганлигидан ҳам бохабар бўладилар.

Кенг жамоатчилик учун мўлжалланган ушбу китобдан ёш меъмор ва ҳайкалтарошлар, рассомлар, бадиий йўналишда таҳсил олаётган ўқувчи ва талабалар қўлланма сифатида унумли фойдаланишлари мумкин.

**(ЎзА).**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 954. 52196 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Ғ. Шералиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.50 Топширилди — 01.50 1 2 3 4 5